

**Жорий таъмирлашга оид  
ШАРТНОМА № 14  
лот (22110012173432)**

**Самарканд туман**

Шартнома тузилган жой

**9** Ноябрь 2022 йил

**ООО JIZZAX PREMIUM** кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Т.Хасанов номидан, бир томондан ва Самарканд туман ХТБ (10-сонли мактаб), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар Б. Мардонов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Сам тум ХТБ 10-сонли мактаб, Жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Сумма	ККС 15%	Шартноманинг умумий қиймати
1	10-сон Мактаб мини стадион қисмини жорий таъмирлаш	278 608 039	239 130 435	35 869 565	275 000 000
	Жами				<b>275 000 000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 275 000 000 (**Икки юз етмиш беш миллион**) сўмни ташкил қилади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: «09» Ноябрь 2022й. Тугаши: «09» Декабрь 2022й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ**

**БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ККС билан 275 000 000 (**Икки юз етмиш беш миллион**) сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортиментни, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан

контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита Иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир

## **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «9» Ноябрьдан 2022 йил «31 декабр»гача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга киради.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартномани шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## **X. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.**

10.1 Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

10.2 Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

10.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

10.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакиллари пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

10.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

10.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон

Республикасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

### Х. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи: ООО JIZZAX PREMIUM Манзил: Жиззах в, Фориш т, Боғдон ш Телефон: (91)-540-18-84 СТИР коди: 305519392 ОКЭД: 41287
Х/Р 20208000100874867001 Банк номи: "ХАЛҚ БАНК ФОРИШ филиали"
МФО: 00678
Рахбар:  Т.Хасанов М.Ў (имзо)


Буюртмачи
Ташкилот номи: Самарканд туман ХТБ (10-мактаб) Манзил: Самарканд туман Чумчуқли маҳаласи Тел.: (97)-578-78-80
СТИРкоди: 200776975 ОКОНХ 97600
Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: <b>401722860182337092100075033</b>
Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарканд туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲҚКМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919
Рахбар:  Б.Мардонов М.Ў (имзо)
Ф.И.Ш

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**ML4580303412**

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "Jizzax Premium" MCHJ bilan tuzilgan shartnoma
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Samarqand tuman xalq ta'limi tomonidan 08.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Samarqand tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.B.RAUPOV**

08.11.2022

2022 й. 9. Ноябрь даги № 14 -сон шартномага  
СПЕЦИФИКАЦИЯ:

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ МИНИ ФУТБОЛЬНОГО СТАДИОНА ШКОЛЫ №10 В САМАРКАНДСКОМ РАЙОНЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

№ п.п.	Шифр номера нормативов и коды ресурсов	Наименование работ и затрат, характеристика оборудования и его масса	Единица измерения	Количество		
				на. ед. измерения	по проектным данным	по проектным данным
1	2	3	4	5	6	7
1		УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОВЕВ ГРАВИЙНЫХ	M3	12,6000	101254	1 275 803
2		УСТРОЙСТВО ЛИНЕЙНОГО ДРЕНАЖА	1000M	0,1350	3402418	459 326
3		ПЕСОК КВАРЦЕВЫЙ	M3	80,0000	43405	3 472 434
4		УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ ТОЛЩИНОЙ 15 СМ ИЗ ПЕБЕНЯ ФРАКЦИИ 40-70 ММ (ПРИ УКАТКЕ КАМЕННЫХ МАТЕРИАЛОВ С ПРЕДЕЛОМ ПРОЧНОСТИ НА СЖАТИЕ СВЫШЕ 98,1 П10000 МПА КГС/СМ2) П ОДНОСЛОЙНЫХ	1000M2	0,9240	18986679	17 543 691
5		НА КАЖДЫЙ 1 СМ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СЛОЯ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМАМ С 27-04-005-1 ПО 27-04-005-3 ЗА 5 РАЗ	1000M2	0,9240	5338405	4 932 686
6		ПОКРЫТИЕ ПОЛЕ ИСКУССТВЕННЫМ ГАЗОНОМ С ПЕСЧАНОЙ ЗАСЫПКОЙ	10M2	92,4000	714990	66 065 108
7		СТ-ТЬ ИСКУССТВЕННОГО ГАЗОНА	M2	924,0000	135860	125 534 816
8		ГРАНУЛЫ	TN	5,0000	3543300	17 716 500
9		РАЗМЕТКА ГАЗОНА МАСЛЯНОЙ КРАСКОЙ	KM	0,2270	1058639	240 311
10		ВОРОТА ФУТБОЛЬНЫЕ	ШТ	2,0000	944880	1 889 760
		<b>ИТОГО:</b>				<b>239 130 435</b>
		<b>НДС-15%</b>				<b>35 869 565</b>
		<b>ИТОГО С НДС :</b>				<b>275 000 000</b>



”ТАСДИҚЛАЙМАН”



Самарқанд туман ХТБ  
бошлиғи  
Б.Мардонов

2022 йил “09” Ноябрь

Самарқанд тумани ХТБ учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа жихозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ-3**

2022 йил «09» «ноябрь»

Самарқанд тумани

Раислик қилувчи

Комиссия раиси:  
А.Хақимов

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари

**КУН ТАРТИБИ:**

Самарқанд тумани ХТБ га қарашли 10 мактаб стадион қисмини жорий таъмирлаш ишларни бажариш бўйича 2022 йил 29 октябрда ЎзРТСБнинг электрон савдо порталига жойлаштирилган 22110012173432-сонли лот Эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 7-ноябрда энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган ва Самарқанд тумани ХТБ га қарашли 10 мактаб стадион қисмини жорий таъмирлаш ишларни бажариш бўйича баённомага асосан элон якунига кўра “JIZZAX PREMIUM” МСНЖ голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан ташкил қилинган Товар хом ашё биржасининг давлат харидлари бўйича электрон савдосига 2022 йил 29-октябрда лот 22110012173432-рақамли эълони бўйича қуйидаги нарх, микдор, бошлангич бахоси жойлаштирилган

т/р	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат)нархи	Электрон равишда ютиб олинган бахоси
1	ХТБ га қарашли 10 мактаб стадион қисмини жорий таъмирлаш ишларни бажариш бўйича	Услуга	1	278 608 039	275 000 000
	Жами:				275 000 000

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан электрон равишдаги комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди.

Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд туман ХТБ бош ҳисобчиси Ашуров Ж.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 07 ноябрдаги электрон баённомага асосан ғолиб “**JIZZAX PREMIUM**” МСНҲ билан қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Самарқанд туман ХТБ бош муҳандисига:

Етказиб берилган иш ва хизматларни ишларни сифатини сметада курсатилган тартибда ишларни қабул қилиб олинсин.


А.Ҳақимов

Ш.Абулхайров

Ж.Жалолов

Х.Норбоев

З.Узоқов



**Комиссия раиси**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**